



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(5-кисм)

Чойхона одтдагидай гала-говурга тўлган. Тамаки тутуни самовардан чиккан бугга кўшилиб, одамларнинг устида булутдай сузади. Чойи тугаб колганлар чойнак копкогини шикиллатишади. Мамарайим ака иссикдан лохас бўлиб мудрайди. Бирдан сесканиб ўзига келади-да, кирган-чикканларга наманганча шевада мулозамат килиб кўяди.

– Кеп-кеп турина, мехмонла! Хуш кепсила, тўксон бешидан бўсинми?..

Кейин гапи ўзига нашъа килиб, секин ких-кихлайди: "Тўксон беш омор мудирю полвондан ортармиди? Нотавон кўнгиллари шунакасини тусаб копти-да, а, Мамарайим?"

Унинг гапига куламан. "Тўксон беш" у ёкда турсин, борини хам кўнгилдагидай дамламайдию, яна керилишини каранг!

У ёкка чопиб, бу ёкка катнаб оёк узилиб тушай деди. Чойхонада одам кўпайса, Тога хам, Мамарайим ака хам хурсанд, менинг эса юрагим безиллайди. Хозир хам нафас ростлаш учун супанинг бир четига ўтирдиму ўзимдан хафа бўлиб кетдим. "Менга нимаси зарур эди бу ерда ишлашни хавас килиб? Тинчгина газетамни ўкиб юривдим. Хаётни ўша тахририятда хам ўрганса бўларди-ку!" Шунака деб ўйлайману яна ўзимга тасалли бераман: "Озгина колди, чиданг энди мулла Нусрат! Димиккан хонада шифтга тикилиб хикоя, макола ёзишмас бу сизга! Бу ердаги одамлару гап-сўзлар етти ухлаб тушингизга кирганмикин?!"

Хаёлимни кафасдаги кушларга термулиб турган беш-олти ёшли болакай бузди. Чойхонага болалар кам келади. Уни уч-турт сафардан бери бир чол етаклаб келади. Набираси бўлса керак.

Бобоси жуда галати. Комати эгик, этида жири йўк, каммурт одам. Доим ўтириши билан чой олиб бораман. У чўнтагидан рўмолчасини чиқариб пиёланинг лабини хафсала билан артади. Кейин чойини уч марта кайтаради. Пиёлага танга кўмгудай чой куйиб, бир хўплаб кўяди. Хаёлга чўмганича ўтираверади. Набираси ўзини кўйгани жой тополмайди. Аммо бобосидан хайикади шекилли, ортикча хархаша килмайди.

Бола оёк учида бориб, кафасда тинмай сайраётган сап-сарик кушчага тикилади. Куш жимит кўзларини мўлтиратганича туриб колади. Кейин кафасда иргишлаб сакрайди. Ора-сира кафас симига кистирилган оккандни чўкиб кўяди. Туткундалиги эсига тушгандай яна бор овозда сайрайди. Боланинг кушчага рахми келиб, секин эшиттириб сўрайди: "Нимага шунака чиройли кушчани кафасга солиб кўйишган?" Аммо саволига ҳеч ким жавоб кайтармайди. Бобоси ҳамон жагини кўксига тираганича хаёл суриш билан банд.

Пешонаси ажиндан ўйдим-чукур бўлиб кетган, киргийбурун, кошлари чимирилган киши билан унинг гирт акси – семиз, икки бети чала пишган шафтолидай нимкизил, ошқовокдек калласига ярашмаган биткўз Абдурахмон кассоб куйиб-пишиб тортишади. Кассоб кўлидаги чит белбоғ билан тинмай елпинади. Бошини, юз-кўзини артиб кўяди. Кейин шеригининг этагидан тортиб, гап уктиради:

– Бу хаёт деганлариям жа кизик нарса экан. Неваранг бўйнингга осилиб, “опогдада” деганда ўзингга келаркансан. Ана ўшанда умрингнинг кўпини яшаб кўйганингни ўйлаб, баданинг жимирлаб кетаркан. Иш, тирикчилик, бола-чака ташвиши деб йилларнинг канакка ўтганини ҳам сезмай коларкансан. Яхшиям чойхона бор, ўтирволиб, бундок хаётингни ўйлаб кўрасан. Юрагингдаги губорни ёзасан. Ош-пош килиб, улфатлар билан хангомалашасан. Бўлмаса, сендай содда бир ўзбек ёлчителиб дам олмайсан. Курорт-санаторийга боришга кизганасан: пул топсанг, ё уй киласан, ё тўй.

– Агар ўша ташвишлар бўлмаса, хаётнинг сираям кизиги бўлмасди.

– Мана, Абдурауф, сен шунча яшаб, бу ёруг дунёда нима кўрдинг? Эрталаб ишга борасан, кечкурун аравага кўшилган отдек хориб уйга келасан. Уйингда ҳам халоват йўк. Саккизта чурваканинг кий-чуви, хотиннинг шангиллаши билан кун ҳам кеч бўлади. Коринни каппайтирасану уйкуга кетасан. Эртасига яна ахвол шу. Якшанбада бозор-ўчарга югурасан, бир-икки соат мизгиб оласан. Умр шу тахлит ўтаверади.

– Э, сен шунака дейсану, Абдурахмон, одам ношукур бўлмаслиги керак. Хамманинг насибасига яраша-да. Биров нукул пул кетидан кувади, бошқаси хаётнинг мазмунини бировга фойда келтиришда деб билади. Рўпарада ўтирган болакайни танийсанми? Бизнинг махалладан. Дадаси билан бирга ишлардик. Нафс кўйида жиноят килиб, кўлга тушди. Саккиз йилни илиб кетди. Хотини бошқасини топволди. Икки ўртада бола сарсон, хув анави бобосининг дили вайрон. Мана, сен кассобсан, мен ишчи. Бировдан ошик-кам

жойим йўк. Бола бўлмаса, яна турмушинг кемтик.

– Энди шу ерда тўхта! Хўш, сен ота-онангга нима килиб бердинг?

– Улар эрта ўтиб кетишади. Тўйимни ҳам кўриша олмади.

– Мана, меники тирик. Хўп, хафтада бир-икки хабар оламан. Ярим кило, бир кило гўшт-ёғ ташлаб ўтаман. Бошка нима килиб беряпман?

– Баъзиларнинг олдида ҳам бу катта гап!

– Ўлма, ана энди ўзингга келдинг. Энг меҳрибони биз бўлсак, биззи болаларимиз нима килиб берарди!

– Сен шунака дейсану...

– Э, кўй шунака-пунакангни. Баъзан шифтга тикилиб ётаману, ўй ўйлаб кетаман. Бўш колдинг дегунча болаларнинг ташвиши миянгни кемиради. Бирини уйласанг, иккинчисининг овози дўриллаб турибди. Учинчисини ўқишга жойласанг, тўртинчисига совчи келади. Ахир, ўзинг биласан, азиз акчасиз, киз бўгчасиз кетмайди. Дам олиш йўк, таътилинг лойхандакда ўтади. Уйлаб-жойласанг, тиниб кетса, майли! Энг каттаси энди чикади. Хали бирорта куданг тўй бошлайди, караб туриб бўлмайди. Хали битта кизинг ковок-тумшугини осилтириб келади, кани, козиликка мархамат, мулла Абдурахмон! Бир кўлда андава, бир кўлда суюк лой, хали унинг гапини сува, хали бунинг гапини. Карабсанки, умр хайё-хуйт деб ўтиб кетибди. Энди неvara-чевараларнинг ташвиши бошланади. Бир куни келиб, таппа-тайёр бобосан. Ана шуларни ўйлайману: "Э, ўзбеклиги ҳам курсин. Бир умр рохат-фарогат кўрмай ўтиб кетасан", деб пешонага биттани тушираман-да, чойхонага йўргалаб коламан...

Кассоб хамсубатининг эътирозига жавобан: "э, бор-е, нимани тушунардинг" дегандай

кўл силтайди. Чойини шитоб билан хўплайди. Шериги унинг кизикконлигига гаши келиб, сўник жилмаяди. Ўртага жимлик чўкади.

– Якинда катта куёв билан гижиллашиб колдим, – Абдурахмон кассобнинг яна чакаги очилиб кетди. – Ўн йил бўлдики, кизимнинг халовати йўк. Эрлари олим бўлмокчилар. Тепакўргонга тепиб борсанг, чўнтагидан хемири тўкилмайди – юриш бўлса хонтахлит, сумбат бойваччанамо. Хей, хунаса, нимангга кериласан, дейман. Кизим бечорага хали бирорта кўйлак обермаган. Топганини Тошкентга – домлаларига ташийди. Ёш нарсалар, тузукрок яшасин, деб нима обертсам, шуни хам сотиб, ўкишга ишлатиб юбораркан. Яна бор-будини бой берган киморвоздай шўппайиб келиб, каламушга ўхшаб когоз титишга тушади. Охири тутаб кетдим. Хей, куёв бола, бу ўкишларининг поёни борми, дедим. Хўп, шунча кисиб-кимтиб олим бўлсалар, ойига канча туширадилар, дедим. Нукул кулади, хунаса. Гап пулда эмасмиш. Илмни пул билан ўлчаб бўлмасмиш. Мен тушунмаган, маданиятсиз одам эмишман. Ана шу жойига чидолмай колдим. Э, маданиятли одам, уйингда сичконлар кўлтиктаёқда юрибди-ку, олимлигингни бошимга урамани, дедим. Агар омон бўлсам, сендака олимнинг бештасини бола-чакаси билан бокишга курбим етади. Аммо сенларга ачинаман, дедим. Хуллас, анча кизаришиб олдик. Ўшандан бери уйига хам бормайман. Тўгри-да, бунака олимларнинг канчасини кўрганман. Бошида шляпаю, бир кило гўшт олиб, чорак соат чўнтак кавлайди. Ахир дунёга келгандан кейин сал одамга ўхшаб яшаш керак-да, тўгрими? Жонингни жабборга бериб, хамма нарсадан ўзингни кантариб, нимага эришасан, кизталок!

Кассоб жахл билан бошидан дўпписини олиб, ёнига ташлайди. Кейин яна шошиб кийиб олади. Шериги унга, хамма нарсани ўз каричингда ўлчаркансан, деб хафсаласи пир бўлади. Секин ўгирилиб, рўпарасида аграйиб ўтирган бояги болани гапга солади. У хам бобосига карай-карай алланарсаларни чугурлаб тушунтиради. Кассоб яна сўкиниб гўлдирайди...

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН